



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 8 июль, № 132 (6567)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ШАРҚ ДУРДОНАСИНИНГ МАФТУНКОР ТАБИАТИ



Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ноёб тарихий обидалари, номоддий маданий мероси азал-азалдан дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келади. Зотан, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимиздаги ниллий гумбазли осориётқалар жаҳоннинг ҳеч бир ерида учрамайди. Шунинг учун ушбу муаззам диёрни Шарқнинг дурдонаси, жаннатмонанд ўлка, дея эътироф этишади.

Айниқса, юртимиз бебаҳо флора ва фаунага эгаки, унинг тароватидан йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдек баҳраманд бўлиш мумкин. Буни экспертлар бир неча биогеографик ҳудудлар айна шу жойда туташгани билан изоҳлашади.

Яъни республикаимиз рельефи ўзига хос бўлиб, у 10 паст-текислик ҳамда 12 тоғли кўри-нишдаги геологик тизимдан иборат. Бундан ташқари, унинг ландшафти ҳам ниҳоятда ранг-баранг. Соҳага доир илмий экспедиция натижаларига қараганда, мамлакатимиз ҳудудидан ўн беш минг турга яқин умурт-

қасизлар ва етти юз турдан зиёд умуртқали жониворлар, ҳайвотот дунёсининг эндемик эллик уч тури, масалан, Северцов тоғ кўйи, Рустамов сцинк геккони фақатгина бизнинг ҳудудда учраши фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, ўлкаимиз флорасида 4500 турдаги ўсим-

лик мавжуд бўлса, уларнинг 130 таси, шу жумладан, лола, эремурус, астрагал каби наботот намуналари айнан бизнинг табиатимиз мулки ҳисобланади. Қолаверса, грек ёнғоғи, оддий ва Бухоро бодом, анор, Сиверс олмаси, писта каби мевали дарахтлар ёввойи табиатимизда асл ҳолида сақланиб қолган-

ки, улар озиқ-овқат саноатида муҳим хом ашё бўлиши баробарида, қишлоқ ҳўжалигида янги ва бебаҳо навларни яратишда генетик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Дил сўзи

Президентимиз ўтган ҳафтада жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларига ташрифи давомида биз, воҳа миришкорлари меҳнатига ҳам юқори баҳо бердилар.

Юксак ишонч масъулияти

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг фермер ва деҳқонларимиз учун масъулиятли бўлган шу кунларда сизларнинг ёнингизга келиб, дилдан суҳбатлашиш, хол-аҳвол сўраш, ҳорманг, дейиш менга катта мамнуният бағишлайди, деган сўзларидан жуда тўлқинланиб кетдик.

Аслида, бу соҳада эришилаётган муваффақиятларнинг бош омили ер эгалари доимий қўллаб-қувватланаётганида, деб биламан. Айниқса, уруғлик, ёнгли-мойлаш материаллари ҳамда ўғит таъминоти, замонавий техника воситаларини сотиб олиш борасида йўлга қўйилган самарали механизм қишлоқ мулкдорининг кўпроқ деҳқончилик, пахта ва ғалла парвариши билан шуғулланиши учун имконият яратиб берганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса, ўз навбатида,

ер унумдорлигини ошириш, юқори ҳосил етиштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Истиқлол шарофати билан деҳқоннинг елкасига офтоб теккани рост. Фермер бўлди. Эл орасида ҳурмат-эътибор қозондик. Бугун кўлимизни қаерга узатсак, етди. Заминдан ризқ унидириб, халқимизга улашяпмиз. Ортгани ўзимиз, жамоамиз аъзолари турмушга фойз киритмоқда. Муҳими, меҳнатимизнинг роҳатини кўраёпмиз.

Мана, бу йил мўл ҳосил етиштириб, давлатга 76 тонна ғалла сотдик. 54 тоннаси жамоамиз ихтиёрида қолди. Очиғи, об-ҳаво инжиқликлар келтирган ташвишлар унутилди, чарчоғимиз тарқади. Ишонччи оқладик. Вилоятимиз хирмони ҳам, деҳқонларимиз омбори ҳам донга тўлди.

(Давоми 2-бетда).



Биз ва жаҳон

Хусусан, Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети вакиллари "Жаҳон" ахборот агентлиги учун берган интервьюлари чоғида Ўзбекистоннинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида орттирган тажрибаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Жумладан, ушбу олий ўқув юрти ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази ижрочи директор Чжан Цици Ўзбекистонда бир неча маро-

таба бўлганини маълум қилар экан, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида эътиборга молик қадамлар ташлаётганини айтди.

— Республика сўзда эмас, балки амалда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини либераллаштириш ҳамда демократлаштириш билан боғлиқ ўзгаришларни амалга оширяпти, — деди эксперт. — Фуқаролик институтлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган

аниқ чора-тадбирларнинг қабул қилинаётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сўнгги йилларда Шанхайда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон тажрибасининг муҳока-масига бағишланган қатор давра суҳбатлари ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Хитой экспертлар ҳамжамияти юртингизда амалга оширилган кенг қамровли демократик ислохотлар мамлакатингизнинг халқаро обрў-эътиборини янада юксалтиришга кўмаклашга-

ни юзасидан яққил фикр билдиришаёпти. Биз диёрингизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган тараққиёт даражасини юқори баҳолаймиз. Қолаверса, мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ҳам ривожланишининг "Ўзбек модели" ҳаётга муваффақият-ли татбиқ этилаётгани натижаси, деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази ижрочи директор Ян Бо кенг миқдосли ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Ўзбекистонда фуқаролик институтлари мақомининг янада мустаҳкамлашишига алоҳида ҳисса қўшаётганини қайд этиб, мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига юқори баҳо берди.

(Давоми 2-бетда).



Ижтимоий шериклик

хайрли ташаббус ва эзгу ғоялар рўёбига хизмат қилмоқда

"Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" тамойили мамлакатимизда олиб борилаётган демократик янгиланишларнинг асоси ҳисобланади. Турмуш тарзи-миздаги, дунёқарашимиздаги ўзгаришлар, аҳоли барча қатламида ижтимоий фаоллашув сезиларли даражада ошаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Бинобарин, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида инсон ва унинг манфаатлари йўлида рўёбга чиқарилаётган кенг қўламли ишлар, эзгу ғоя ҳамда ташаббуслар жамият ҳаётининг

барча жабҳасида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Мана шундай шароитда, табиийки, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилот-

лари ҳам жадал ривожланиб бораётир. Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтиришга кўмаклашадиган мазкур институт пировард мақсад — халқимизнинг тинч, осойишта ҳамда фаровон турмуш кечиришини кафолатлашга йўналтирилган кўнун ҳужжатлари, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда муносиб қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Мустақил тараққиёт ва халқимиз фаровонлигининг ёрқин тимсоли

Ижодим илҳоми ўзингсан, Ватан!

www.xs.uz

«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

Мустақил тараққиёт ва халқимиз фаровонлигининг ёрқин тимсоли

Ижодим илҳоми ўзингсан, Ватан!

(Давоми 2-бетда).



ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАҚТАБИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Уларнинг фаолиятига оид ҳужжатлари ҳамда бу борадаги кўрсаткичлари, амалга оширган ишлари ва ихобий иш тажрибаларининг тақдимотлари, шунингдек, иштирокчиларнинг қонун ҳужжатлари ҳақидаги билимлари ҳақамлар ҳайъати томонидан ошкоралик, адолатлилик ҳамда тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

Ҳақамлар хулосасига кўра, Фаллаорол туманидаги “Оқтош” маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Марҳаб Юнусова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

— Қамтарона меҳнатим юқори даражада баҳоланганидан мамнунман, — дейди у. — Маҳалламизда фаолларнинг билан ҳамкорликда хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар юқори савияда ташкил этилаётгани боис сўнгги йилларда бундай ҳолатлар учрамади. Маҳалламизда бу борада тўпаланган иш тажрибалари қатнашиларда илик таассурот қолдирди. Юқсак эътирофдан руҳланиб, фаолиятимизни янада кучайтиришга астойдил ҳаракат қиламиз.

Самарқанд вилоятидаги 1245 та фуқаролар йиғини томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий қадриятларимиз, алянаю урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш ҳамда асраб-авайлаш, улар онгига она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдиришга қаратилган маърифат тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳам доимий эътиборда. Мухими, сальонга натижалар кўлга киритилаётир. Бу борада 1108 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида ана шундай юқори натижаларга эришган 16 нафар маслаҳатчи учта шарт асосида голиблик учун кураш олиб борди. Аввало, маслаҳатчилар иш фаолияти



тақдимот асосида ўрганилди. Шунингдек, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги, “Ота-оналар университетлари” фаолияти қандай ташкил этилганига эътибор қаратилди. Иштирокчиларнинг ўз иқтидорини намоён этиш қобилияти ҳам инобатга олинди.

Барча шарт бўйича юқори баҳони кўлга киритган Жомбой туманидаги “Тут” маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Шоира Амирова голиб, деб топилди.

— Маҳалламизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, хусусан, ёшларимизнинг ижодий ҳамда спорт тўғрисидаги жалб қилинаётгани жуда фойдалу бўлаяпти, — дейди танлов голибига. — Ҳақамлар томонидан фаолиятимизнинг шу қирралари чуккур тахлил этилди. Уларнинг юқсак эътирофига лойиқ бўлганлардан хурсандман. Табиийки, бу бизни янада кўпроқ ишлашга илҳомлантиради. Зеро, биз бу ерда эътибор қаратишимиз керак бўлган масалаларни ўзимизга белгилаб олишдан ташқари, ҳамкасбларимизнинг илгор иш тажрибаларини ўзлаштирдик.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин

бўлган ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги намунали иш тажрибасини ўрганиш, рағбатлантириш ҳамда кенг оммалаштириш мақсадида ўтказилган мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 11 нафар маслаҳатчи қатнашди.

— Иштирокчилар фаолияти адолатли баҳоланди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондига таълим маслаҳатчи Мамадалиева Голиб бўлди. У маҳаллада ёшлар билан ишлаш, уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш каби бир қатор йўналишлардаги ибратли ишлари билан эътирофга сазовор бўлди.

— Ушбу тадбир давомида қилган меҳнатларимиз, эришган ютуқларимиз юзага чикди, — дейди Ф. Раҳматуллаева. — Айни чоғда бу ерда билим ҳамда тажриба алмашдик. Бу, албатта, фаолиятимизни янада ривожлантиришда айна мудоаадир.

Танловнинг Қарши шаҳридаги амфитеатрда бўлиб ўтган **Қашқадарё вилояти** босқичида шаҳар ва туман босқичлари голиби бўлган 14 нафар маслаҳатчининг соҳага оид қонун ҳужжатлари бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, маҳаллалар ҳамда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмини кучайтириш, миллий анъана ва урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини такомиллаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шу жумладан, хотин-қизлар ҳамда ёшларни тадбиркорликка жалб этишга қўмаклашиш йўналишларидаги саъй-ҳаракатлари ҳақамлар ҳайъати томонидан тахлил қилинди.

Қизгин баҳслар асосида ўтган ушбу танлов якунида Шаҳрисабз туманидаги “Шаматон” кишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойгул Жабборова биринчи ўринни кўлга киритиб, республика босқичида йўланма олди.

— Бундан жудам хурсандман, — дейди у. — Айни чоғда бу биз учун маҳорат мактаби бўлганлигини ҳам айтиб ўтганимиз мумкин. Зеро, бошқа ҳамкасбларимизнинг тақдимотлари жуда фойдали бўлди.

Маҳаллаларда ишлаб чиқарилаётган миллий ҳунармандлик ҳамда халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси билан бошланган танловнинг **Фаргона вилояти** босқичида

кичида 19 нафар маслаҳатчи ўзаро баҳс олиб борди. Аввало, улар томонидан маҳаллаларда барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшлар орасида спортни оммалаштириш, жамоатчилик назоратини изчил амалга ошириш, тўй ва бошқа маросимларнинг ихчам ўтказилишини таъминлаш йўналишларидаги чора-тадбирларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, кундалик ҳаёт ҳамда иш жараёнида учрайдиган муаммоли вазиятларни еча олиш салоҳиятини ва ташкилотчилик ҳамда ташаббускорлик қобилиятини намойиш этишлари учун кенг имконият берилди.

Яқунда Бувайда туманининг “Бегобод” маҳалла фуқаролари йиғини маслаҳатчиси Матлубахон Қўшақова биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

— Жамиятда аҳиллик-тотувликни таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ёшларнинг баркамол улғайишида маҳалланинг ўрни ошмоқда, — дейди у. — Хусусан, бизнинг маҳалламизда 2150 нафардан ортиқ киши истикомат қилди. Биргаликда саъй-ҳаракатларимиз боис ҳудудимиз кундан-кунга обод бўлмоқда. Барчанинг юз-қўзида бугунги осяда кунлардан мамнулик балкиб туради. Пана-пасткам биналар, томида майса ўсадиган уйлар ўрнида кўркам иморатлар, аҳолига маийши ва савдо хизматларини кўрсатиш мажмуалари қад ростлаган. Яқинда улар ёнидан тикувчилик цехи, новвойхона, ҳўжалик моллари дўқони ўрин олди. Натижада яна 9 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари якунида ҳамда уларнинг голиблари келгуси ҳафтада ўтказилиши режалаштирилган республика босқичига йўланма олди.

Айни кунларда танловнинг республика босқичини Гулистон шаҳрида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан қизгин тайёргарлик кўриломқда. Мамлакатимиз мустакиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари жараёнида ўтказилаётган якунид хижозлари ишлаб чиқариш шухў бағишлаши, шубҳасиз.

“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистоннинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги хитойлик экспертлар нигоҳида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” қонцепцияси маҳалла институтини фаолиятида амалий жиҳатдан муассас эканлигини кўридик, — деди у. — Ўзбек маҳалласи ўз ҳудудида турли масалаларни ҳал қилиш учун давлат органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган муҳим тизимга айланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ўз тажассумини топган — баркамол авлодини тарбиялаш, оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкам-

лаш, жамиятда тинчлик ҳамда ҳамжихатликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистонда ўз вақтида қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун давлат ва жамият ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни янада мустаҳкамлаш, шубҳасиз. Бинобарин, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти фуқаролар сийсий онгининг ўсишини кучайтириши билан бирга, давлат олиб бораётган сийсатларини аҳоли томонидан теран англашига қўмаклашад.

“Жаҳон” АА.
Шанхай

Меҳр-мурувват ва саховат айёми

Президентимизнинг жорий йил 1 июлдаги “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудида ушбу байрам кўтаринки руҳда ўтказилди.

ИБРАТ

Халқимизга хос меҳр-оқибат, саховатпешалик сингари фазилатлар кўлуг айём кунлари янада ёркин намоён бўлди. Жойларда хайрия тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жағмараси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида табарук отахону онахонлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ҳамда Саховат уйларида моддий ва маънавий

ёрдам кўрсатилди. Бундай эзгу ишлар юртдошларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилди, шубҳасиз.

Хайит байрами Қорақалпоғистон Республикасида ҳам муносиб нишонланди. Ташкил этилган тадбирларда мустақил мамлакатимизда инсон манфаатларига юқсак эътибор қаратилаётгани, ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли ислохотлар бугун ўзининг самараларини бераётгани эътироф этилиб, Истиклолнинг қадрига етиш, тинчлик-оёйишталикни

асраб-авайлаш, Ватанимиз тараққиётига хисса қўиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланди.

Шунингдек, Бўхоро вилоятидаги барча шаҳар ҳамда туманларда ҳам ушбу байрам улкан хушнудликка ўтказилди. Чунончи, Жондор туманида ҳокимлик, ҳомий корхона ва ташкилотлар, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳудудда истикомат қилувчи кекса, боқувчисини йўқотган, ўзгалар қаровига эҳтиёж сезадиган 500 нафардан зиёд фуқаронинг уйига бориб, кўнгил сўрадилар.

Чексиз инсоний шодликлар айёми Наманган вилоятининг шаҳару қишлоқларида ўзгача шухў, юртимизда ҳукм сураётган оёйишталик, амалга оширилаётган беқийёс бунёдкорлик

ишларига шукроналик кайфиятига кутиб олинди.

Жойларда халқ сайиллари, бошқа қатор маданият-маънавий тадбирлар ўтказилди. Вилоят марказидаги Бобур номидидаги маданият ва истироҳот боғи отахону онахонлар, миллий қадрият ҳамда анъаналаримизни улғайтаётган ёшлар билан гауғам бўлди. Байрам манзараларидан янада чирой олган масканда, айниқса, болажонлар мириқиб яйрашди.

Рамазон ҳайити, шунингдек, бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам катта хурсандчилик билан ўтказилди.

“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Юқсак ишонч масъулияти

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Албатта, бундай муваффақиятлар Қашқадарёда бунёдкорлик ва ободчилик ишларига ҳам кенг йўл очмоқда. Бугун Қарши ҳамда Шаҳрисабз қиройига мафтун бўлаётганлар кўп. Тарихий обидаларимиз билан бирга, истиқлол йилларида қурилган иншоотларимизнинг маҳобатию салобатию таърифига сўз етмайди. Шулардан гуруранаман. Қаранг, биргина вилоятимиз маркази ҳудуди кейинги йилларда 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Қаршига юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электрооевди қатновни йўлга қўйилганини воҳа ахли ҳажжон билан ёдга олади. Юртбошимиз Қарши шаҳридаги “Қарши” темир йўл вокзали, “Насаф” маркази стадиони, курант минораси, замонавий талабаларга мувофиқ реконструкция қилинган Амир Темур тарихий кўпригини кўздан кечириш асосида вилоятимизнинг меъ-

морий қийёсасини янада гўзал ва жозибали этишга қаратилган тақдир тавсияларини айтдилар.

Инсон эътибордан куч олса, меҳрдан, ғамхўрликдан кўнгилга яйрайди. Президентимиз кишлоқ жойларда биз, фермер ҳамда ишчиларнинг меҳнат қилишимиз, дам олишимиз учун яратилган имкониятлар билан қизиқдилар. Оилавий аҳволимизни суриштирдилар. Шунингдек, ҳосил сифатини янада яхшилаш, даромадни кўпайтириш масалалари билан жиҳдий шугулланиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Мулоқот чоғида фермерлик ҳаракатини бундан-да юқсаклиригини кўшимча омиллари кўрсатиб бердилар. Учрашувдан олган нутулимас таассуротларимиздан бири биз, эр эгаларига билдирилган улкан ишонч бўлди. Бу эса ҳар биримизни юрт тараққиёти йўлида янада фиқдорона меҳнат қилишга ундайди.

Ҳотам ЖУМАЕВ,
Қарши туманидаги **«Шукрона»** фермер хўжалиги раҳбари.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Хусусан, Андижон вилоятида истиқлолнинг дастлабки йилларида нодавлат нотижорат ташкилотлари сонини ўнгага ҳам етмас эди.

Ҳозирги пайтга келиб, улар 650 тадан ошди. Айни чоғда вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолига тиббий-психологик ҳамда маънавий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, эҳтиёжманд инсонларнинг ижтимоий муҳозафазаси этиш, хойларда фуқаролар дуч келётган турли муаммоларга ечим топиш, кичик бизнесни равнақ топтириш каби йўналишларда самарали фаолият юротаётир. Бунда, албатта, республикамизда фуқаролик жамияти институтларини ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмнинг яратилгани муҳим омил бўлаяпти.

— 2011 — 2015 йилларда Андижондаги 173 ННТ ўзининг 233 ижтимоий лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа ижтимоитларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловларида қатнашди, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг Андижон вилоятидаги ресурс маркази раҳбари Холита Мирзахожова. — Ушбу

лоийҳаларнинг 64 таси юқори баҳоланиб, 823 миллион 400 минг сўм миқдоридан грант маблағи ажратилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур грант маблағлари асосида амалга оширилган ҳамда ҳамон давоми эътирилаётган лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юқсатириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ногиронлар ижтимоий реабилитацияси сингари долзарб масалаларни қамраб олган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз олдига кўйган мақсад ва вазифаларини муваффақиятли бажаришда айна давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаётгани, бошқача айтганда, ижтимоий шериклик институтини такомиллашиб бораётгани хал қилувчи роль ўйнамоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 1 январдан амалиётга татбиқ этилган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида ўзига хос янги даврни бошлаб берди. Бундан Андижон вилоятидаги “Меҳримиз сизга” маркази мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2007 йилда ташкил қилинган ушбу марказ фаолияти бугун дунёдаги глобал муаммолардан бири

ҳисобланмиш одам савдосига қарши курашиш, мушкул аҳволдаги хотин-қизлар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатишга қаратилган. Моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда ҳудуддаги давлат ва нодавлат тузилмалар билан яқдлик, ижтимоий шериклик айни мудида бўлмоқда. Жумладан, марказ Андижон вилояти ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

— Сир эмас, тушунлиққа тушган опа-сингилларимизга оилада ва жамиятда яна ўз ўзини топиши учун қўмаклашиш ҳаётий заруратдир, — дейди Холита Мирзахожова. — Шу маънода, “Меҳримиз сизга” марказининг ижтимоий лойиҳалари инсонларга меҳр кўрсатиш, йилқилганин суядак халқимизга хос эзгу фазилатларга ўйган, десак, муволаға бўлмайди.

Марказга “Ишонч телефони” орқали жорий йилнинг ўтган даврида эъландан зиёд мурожаат келиб тушган. Марказ мутахассислари томонидан уларнинг ҳар бири би-

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Меҳнат ярмаркаси

• Самарқанд

Кўшрабда туман ҳокимлиги, прокуратура-си ҳамда бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

— Тадбирда ҳудудимиздаги касб-хунар коллежларининг 300 нафардан зиёд битирувчилари ва ишсиз фуқаролар қатнашди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш

маркази директори Дониёр Алиқулов. — Уларга 110 дан зиёд корхона ҳамда ташкилот ва фермер хўжаликлари томонидан 195 та бўш иш ўрни таклиф этилди.

Яқунда 82 нафар киши ўзига мос иш жойини тандади. Қолаверса, иштирокчиларга меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Мамадйёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўп тармоқли фаолият самараси

• Сурхондарё

Шербод туманидаги “Холиёр бобо” кўп тармоқли фермер хўжалиги қошида нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади.

Ушбу лойиҳа ихросига 40 миллион сўм миқдоридан сармога йўналтирилди.

— Иш унути юқори. Технологияларимиз кунига 20 тонна уни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди фермер Ҳамдам Холиёров. — Ҳозир улар ёрдамида 28 турдаги хуштаъ ва тансик неъматларни аҳоли дастурхонига тортиқ этаёмиз. Жамоамиз сафига қабул қилинган 10 нафарга яқин мутахассисларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик корхона муваффақияти

• Андижон

Жалақудук туманидаги “Barkamol invest rawnaq” масъулияти чекланган жамиятида идоралар учун янги турдаги меъбел хижозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Яқинда вилоятимиз марказида бўлиб ўтган ҳудудий саннат ярмаркаси ва кооперация биржаси фаолиятимизда муҳим бурилиш ясади, — дейди корхона раҳбари Олтиной Алиева. — Унда 93 миллион сўмлик маҳ-

сулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзоладик. Айни пайтда бюортмаларни белгилаган мудиатларда бажаришга эришяёмиз. Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида 86 миллион сўмлик меъбеларимиз ички бозорга чиқарилди.

Кичик бизнес субъектининг изланувчан жамоаси айни кунларда янги тармоқ — тикув цехи фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида.

Самиржон ХУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермерларга қўшимча қулайлик

• Наманган

Чуст туманида “Сербот сўт” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаши билан ҳудуддаги чорвачилик иختисослаштирилган фермер хўжаликлари учун қўшимча қулайлик яратилди. Ҳозир бу ерда кунига икки тоннагача маҳсулот қайта ишланмоқда.

— Корхонамиз молия муассасасининг 170 миллион сўмлик кредити эвазига хорижнинг илгор технологиялар билан жиҳозланган, — дейди жамият раҳбари Одилжон Муллажонов. — Улар ёрдамида тайёрланаётган қатик, қаймоқ, пиллоқ ҳамда қадоқланган табиий сўт каби ўн бир турдаги маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлаяпти.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

заетган давра сўхбатлари, учрашув ва мулоқотлар аҳоли, айниқса, аёллар ҳамда ёшларнинг бу борадаги тушунчаларини бойитиш воситаси бўлмоқда. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, “Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз!” мавзудида юштирилган семинар-тренинглар бирламчи тиббий муассасалар ходимлари, фуқаролар йиғинлари вакиллари ўртасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни юқсаттиришга доир намунали тажрибаларни оммалаштиришга йўналтирилган.

Марказда хотин-қизларга тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқлари ҳақида тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилиб, бандан кредит олиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилаётгани мақтовга сазовордир. Энг муҳими, бу хайрли тадбирларнинг барчаси давлат органлари билан йўлга қўйилган ижтимоий шерикликка асосланмоқда.

Мамлакатимизда мазкур институт изчил ривожланиб бораётгани, бунинг натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланаётганини Андижон вилоятидаги биргина марказ фаолиятида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Ваҳолонки, бундай нодавлат тузилмалар юртимиз ҳудудларида жуда кўп. Уларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қ

Икки хил ёндашув

Япониянинг ахборот-коммуникация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Sony" компанияси АКШ ва Хитой бозоридagi иштирокини камайтиришни маълум қилди.

Сабаби, мазкур хуудларда унинг махсулотлари савдоси кутилганидек самара келтирмапти. Мазкур бренд шу йўл билан ўз харажатларини қисқартириш ниятида. Аксинча, унинг мобил воситалари харидори кўп бўлган Европа, Шарқий Осиё ва Ўрта Шарқ минтақаларидаги фаолияти кенгайтирилиши режалаштирилган.

Автомобиллар учун дастур

Тез орада Германиянинг "Volkswagen" компанияси Жанубий Кореянинг "LG" компанияси билан ҳамкорликда "аклли" автомобиллар учун янги дастур ишлаб чиқаришга киришди.

"Cross-Over-Platform" деб номланган ушбу платформа машинанинг интернетга боғлинишига хизмат қилиши назарда тутилган. Масалан, хайдовчи шу орқали йўллардаги ҳолат ҳақида масофадан туриб тўлиқ маълумот олиш имконига эга бўлади.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг кўп азият чеккан Греция жорий йилда мамлакат иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш учун қарийб 9 миллиард евро маблағ йўналтирди.

Сармоя йўналтирилади

Хусусан, ушбу мақсадлар йўлида Европа барқарорлаштириш фондидан олинган 7,5 миллиард евронинг 3,8 миллиарди, шунингдек, минтақавий жамғармалардан жалб этилган 4 миллиард евро сарфланади.

Янги модификация



АКШнинг "Boeing" авиасозлик концерни янги модификациядаги самолёт моделини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Бу ҳақда "The Wall Street Journal" нашри хабар берди. Мазкур инновацион транспорт 270 йўловчига мўлжалланган бўлиб, унда

ўрта масофаларга рейсларни амалга ошириш кўзда тутиляпти. Парвознинг давомийлиги 10 соатга тенг бўлади.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайди



Швециянинг уй жиҳозлари ишлаб чиқарадиган "Ikea" компанияси "MALM" сериясидаги комод (кийим-кечак турадиган яшикли жавонларини қайтариб олаётган) ҳамда бу турдаги махсулотлар сотувини ҳам тўхтатди.

Уларни шу пайтгача харид қилганларга эса пуллари қайтариб берилади. Гап шундаки, мазкур шкафлар хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Хонадонларга ўрнатилган ушбу мебеллар ағдарилиб тушиши оқибатида уч нафар ёш бола ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб болалар жароҳатланган.

Универсал гилдирак

Буюк Британияда исталган томон — олд, орқа, чап, ўнга бурила оладиган гилдирак яратилди.



У автомобилга одатий шиналар каби ўрнатилади ҳамда хар қандай йўл ва об-ҳаво шароитида ҳаракатланади. Кашфиёт муаллифи Вильям Лиддиард унинг тайёрланиш технологияси

ҳозирча сир эканлиги, келажакда ўз ихтиросини оммавий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун йирик компаниялардан бири билан ҳамкорлик қилишни режалаштираётганини билдирган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Effect real group» МЧЖда 2016 йил 9 август куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ЖИБ Фарғона тумани судининг 2016 йил 6 январдаги 1-02-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўштепа тумани, «Қумтепа» ҚФЙ, Қумтепа қишлоғида жойлашган, умумий майдони 3500,0 кв. м.дан иборат бўлган, деҳқон ҳўжалиги ер майдонидаги қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар (0001 — 0008-литерларда).
 2. Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 28 декабрдаги 15-1510/24198-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Найманча» ҚФЙ, Тарғова қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 1687,68 кв. м.дан иборат бўлган 37-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари (0001 — 0014-литерларда).
 3. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 24 декабрдаги 10-12-14/21970-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, 3. Ҳасанов кўчаси, 48-уйда жойлашган, 0002-литердаги омборхона биноси, 0005-литердаги ҳовуз, 0007-литердаги ҳовуз ҳамда 0009-литердаги тўсиқ девор бино-иншоотлари.
 4. ЖИБ Қува тумани судининг 2015 йил 9 октябрдаги 1-211-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, Коллеж кўчаси, 27-уйда жойлашган, умумий майдони 3600 кв. м.дан иборат бўлган ховли-жой.
 5. Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги 15-15808/3848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 12-сонли «Маърифат» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 50-уйда жойлашган «Марказий универмаг» бино-иншоотлари.
- Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 5 август куни соат 11.00.
- Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800070493278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.
- Манзил: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, 22-хона.
Тел.: (+99895) 404-54-84, (+99890) 272-84-31. Хизматлар лицензияланган.

«Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 15 октябрдаги 16-1503/12508-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиқўрғон тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, «Янгиобод» МФЙда жойлашган, умумий майдони 2579,08 кв.м. бўлган, «Исковот ризқ-рў» агроасаноат фирмасига тегишли машина-трактор парки бино-иншоотлари қўйилмоқда.

- Бошланғич баҳоси — 320 000 000 сўм.**
- Аукцион савдоси 2016 йил 9 август куни соат 12.00 да ўтказилади.
- Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 5 август куни соат 18.00.
- Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.
- Хизматлар лицензияланган.

Савдода қатнашиш учун аризалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Боборахим Машраб кўчаси, 7-уй. Телефон: (0-369) 227-85-25. www.emulk.uz E-mail: best.namangan@inbox.uz

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2010 йил 10 августдаги 2-58/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси, 16-уйда жойлашган «Истанбул» кафеси бино-иншоотлари.
 2. Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, М. Пулатов кўчаси, 30-уйда жойлашган савдо дўкони бино-иншоотлари.
- Бошланғич баҳоси — 47 072 616 сўм.**
- Аукцион савдоси 2016 йил 10 август куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.
- Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 8 август куни соат 18.00.
- Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300433601012, МФО: 01123, СТИР: 303179580.
- Хизматлар лицензияланган.

Савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 21/1-уй. Телефон: (+99895) 402-54-75. www.emulk.uz E-mail: best.fergana@inbox.uz

«OBIDA RIEL PROFESIONAL» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг буюртманомасига асосан, қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда:

- * Данғара тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2013 йил 25 ноябрдаги 3311/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чинобод-1 аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв. м.дан иборат бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган 19-уй.
 - * **Бошланғич баҳоси — 53 866 600 сўм.**
 - * Данғара тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2014 йил 4 декабрдаги 1471/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Оқжар» ҚФЙ, Кичик турк аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв. м.дан иборат бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган 16-уй.
 - * **Бошланғич баҳоси — 71 021 875 сўм.**
 - * Қўштепа тумани СИБ томонидан ФИБ Фарғона тумани судининг 2016 йил 6 январдаги 1-02-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қумтепа» ҚФЙ, Тўхтазаров кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 800,0 кв. м.дан иборат бўлган 14-уй.
 - * **Бошланғич баҳоси — 305 429 306 сўм.**
 - * Фурқат тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2016 йил 24 мартдаги 1773/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирқай қишлоғида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв. м.дан иборат бўлган 5 хонали тураржой.
 - * **Бошланғич баҳоси — 63 376 980 сўм.**
 - * Қува тумани СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2016 йил 18 апрелдаги 1-3985/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий майдони 323,75 кв. м.дан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган ҳаммом бино-иншоотлари.
 - * **Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.**
 - * Қува тумани СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2016 йил 17 февралдаги 1-1055/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува шаҳри, Қайқубод кўчаси, 273-уйда жойлашган, умумий майдони 1057,4 кв. м.дан иборат бўлган ноин ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.
 - * **Бошланғич баҳоси — 46 875 000 сўм.**
- Аукцион савдоси 2016 йил 9 август куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 8 август куни соат 18.00.
- Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — «Obida riel profesional» МЧЖнинг АТ «Савдогарбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904966256001, СТИР: 302256866, МФО: 00500.
- Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдо бўлиби мулк учун тўловни 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.
- Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел.: (0-595) 400-46-37. www.orp.uz Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- Аукцион савдосига:
1. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан:
 1. 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиков номдаги ҚФЙ, 8/153-сонли уйда жойлашган, умумий майдони 79,43 кв. м. бўлган дала-ховли такорран қўйилмоқда.
 2. **Бошланғич баҳоси — 29 069 568 сўм.**
 2. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2011 йил 28 октябрдаги ҳукмига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Файз» дала-ховли уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони 0,0611 гектар бўлган, 0001-литердаги 14-сонли дала-ховли бино ва иншоотлари такорран қўйилмоқда.
 3. **Бошланғич баҳоси — 7 721 850 сўм.**
 3. 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Бобур маҳалласи, «Арех Tech Trading» МЧЖ ҳудудидаги 1,21 гектар ер майдонида жойлашган, 0001, 0005, 0007-литерлардаги нотураб бинолар, 0006, 0008, 00014-литерлардаги бостирма, 0010-литердаги тарозихона биноси, 0011-литердаги тарозихона биноси, 0012-литердаги қоровулхона биноси, 0013-литердаги насос иншооти, 0015-литердаги ёрданчи бино, 0016-литердаги ҳожатхона, 0017-литердаги насос биноси, 0018-литердаги сув тозалаш ҳовузи ва тўсиқ девордан иборат мевасабзавот махсулотларини қайта ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари такорран қўйилмоқда.
 4. **Бошланғич баҳоси — 1 357 959 035 сўм.**
- Хизматлар лицензияланган.
- Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (0-371) 254-69-13. www.nea.uz

«Universal realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

- «Zwisch ROeliz2020 resistomat 2316 Burster тип 2316 V0001» электр ускунаси.
 - **Бошланғич баҳоси — 115 566 160 сўм.**
 - «Diesel Generator AKSA model APD 550C» дизель генератори.
 - **Бошланғич баҳоси — 125 388 860 сўм.**
 - **Изоҳ:** кўчмас мулк объекти ва мол-мулклар мажмуа сифатида сотилади.
 - Аукцион савдоси 2016 йил 26 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 25 июль куни соат 11.00 да тўхтатилади.
 - Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Заказат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнгра объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399. Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
 - **Қўшимча маълумот олиш учун манзил:** «Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. E-mail: universal.realtor@mail.ru
 - **Бошланғич баҳоси — 880 504 075 сўм.**
- Хизматлар лицензияланган.

